

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ГАДОЕВ СЎҲРОБ ЖУМАКУЛОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИК РИСКНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Гадоев Сўхроб Жумакулович

Тижорат банкларида ликвидлилик рискени бошқаришни

такмиллаштириш 3

Гадоев Сухроб Жумакулович

Совершенствование управления риском ликвидности в

коммерческих банках 23

Gadoev Suhrob Jumakulovich

Improving liquidity risk management in commercial banks 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ГАДОЕВ СЎҲРОБ ЖУМАКУЛОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИКВИДЛИК РИСКНИ
БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt476 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Одил Бердимуратович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси**


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунни таркатилди.

(2020 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор


У.В. Гафуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор


С.К. Худойкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли бўлиши улар орқали ўтадиган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради. Ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш банкларнинг ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Шу сабабли, дунё мамлакатларида тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш орқали ликвидлилик риски чуқурлашининг олди олинади. «2018 йил якуни бўйича тижорат банкларининг жорий ликвидлилиги бўйича меъерий талаб 30,0 фоиз бўлгани ҳолда, жорий ликвидлиликнинг амалдаги даражаси Bank of America (АҚШ)да 44,8 фоизни, BNP Paribas (Франция)да 37,7 фоизни ташкил этди. Россиянинг Сбербанкида 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига биринчи даражали капиталнинг етарлилиги бўйича меъерий талаб (10,0 %) ва жорий ликвидлилик бўйича меъерий талабнинг (30 %) бажарилишига эришилган»¹. Жорий ликвидлилик ва биринчи даражали капитал етарлилиги бўйича меъерий талабларнинг доимий равишда бажарилиши тижорат банклари фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммоси чуқурлашувининг олдини олади.

Ҳозирги даврда халқаро миқёсда тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган активлар бўйича даромадлар билан пасивлар бўйича харажатлар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, ликвидлиликни стресс-тестлашни такомиллаштириш, кредит ва инвестиция портфелларини бошқаришнинг сифатини ошириш, соф фоизли спрэд ва соф фоизли маржа кўрсаткичларининг меъерий даражаларини таъминлаш, банклар депозит базасининг етарлилигига эришиш, баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг юзага келишига йўл қўймаслик сингари йўналишларда фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, тижорат банкларида трансформация риски мавжудлиги уларнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатмоқда; Базель кўмитасининг банкларнинг ўз капитали ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни белгилаш бўйича талаби республика банк амалиётига жорий этилмаган; муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги туфайли йирик тижорат банкларида ликвидлилик муаммоси кескинлашмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлигини мустаҳкамлаш»² вазифалари қўйилганлиги мамлакат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

¹ Bank of America. Annual Report 2018. www.bankofamerica.com.; BNP Paribas. Annual Report 2018. www.paribas.com.; Сбербанк России. Годовой отчет за 2018 год. www.cbrf.ru.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискининг бошқаришнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар О.Лаврушин, Е.Жуков, Ф.Мишкин, Ж.Синки, О.Херши ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³. Масалан, Ж.Синки тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискининг бошқаришда асосий эътиборни юқори ликвидли активлар билан юқори даромадли активлар ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлашга қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Бобакулов, О.Йўлдошев, О.Саттаров, З.Холмахмадов, Р.Шомуродов ва бошқаларнинг илмий ишларида тижорат банклари ликвидлик рискининг бошқаришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган⁴.

Аmmo ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлик рискининг бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция

³ Лаврушин О.И. Банковский менеджмент. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 154.; Жуков Е.Ф. Общая теория денег и кредита. – М.: Издательское объединение «ЮНИТИ», 1995. – С. 85.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 216.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблшер, 2017. – С. 447.; Hershey O. Letters of Credit. – Harvard Law Review. – Vol. 32. – P. 1-3.

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – 304 б.; Бобакулов Т.И. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари. // Ўзбекистон Республикасида кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда банк тизимининг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – 155 б.; Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 18 б.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 15 б.; Холмахмадов З.А. Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини илғор хориж тажрибаси асосида таъминлаш имкониятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – № 4. – 34 б.; Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 19 б.

фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

банклар фаолиятидаги ликвидлилик бошқариш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

тижорат банкларида ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

банкларда ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистондаги акциядорлик-тижорат банклари, жумладан, Ўзсаноатқурилишбанк, Асакабанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Туронбанк ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ликвидлилик рискинни бошқариш жараёнида юзага келувчи молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик усуллар, эксперт баҳолаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларидаги муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси, уларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси ва кредитлардан қўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари бўйича меъёрий талабларга эришишни таъминлаш, тижорат банкларининг жорий ликвидлиги бўйича меъёрий талабни бажариш ва активлар рентабеллигининг мўътадил даражасига эришган ҳолда активлар ва жалб қилинган маблағларнинг муддатлари ва суммалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

тижорат банкларининг талаб қилиб олинadиган депозитлари барқарор қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирган ҳолда брутто депозитлар ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғини пасайтириш орқали банкларнинг ликвидлилик даражасини оширишнинг зарурлиги асосланган;

тижорат банклари трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини камайитириш ва соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш орқали уларнинг жорий ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг зарурлиги асослаб берилган;

тижорат банклари кассаларига нақд пул тушишини рағбатлантириш, банкнинг миллий валютадаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг

барқарорлигини таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш орқали лаҳзали ликвидлилик коэффицентининг 0,20 дан паст бўлмаган даражасини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларига бирламчи ва иккиламчи кредитлардан иборат дисконт кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш зарурлиги асосланган;

юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўзгариши билан беқарор пасивларнинг жами пасивлардаги салмоғи ўзгариши ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг зарурлиги асослаб берилган;

инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг брутто активлар ҳажмидаги улушини 8,6 фоизга камайишига олиб келиши, хорижий валюталардаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларининг 1 фоизга ошиши эса вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг жами активлар ҳажмидаги улушини 0,78 фоизга ошириши аниқланган;

ликвидлилик рискинни бошқаришнинг марказлашмаган усулларида фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги улар иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларининг қиёсий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, расмий статистик ва амалий маълумотлар таҳлили ва экспертларнинг тадқиқотлари натижаларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида тижорат банкларида риск-менежментни такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республика тижорат банкларининг фаолияти, банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

тижорат банклари фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал этиш учун муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси, ушбу кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари бўйича меъёрий талабларга эришишни таъминлаш, тижорат банкларининг жорий ликвидлиги бўйича меъёрий талабни бажариш ва активлар рентабеллигининг мўътадил даражасига эришган ҳолда активлар ва

жалб қилинган маблағларнинг муддатлари ва суммалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш таклифи «Қишлоққурилишбанк» АТ банки амалиётига жорий этилган («Қишлоққурилишбанк» АТ банкининг 2019 йил 2 октябрдаги 04/27-45-8929-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2017 йилда «Қишлоққурилишбанк» АТ банкининг пул шаклидаги юқори ликвидли активлари миқдори 2016 йилга нисбатан 55,0 фоизга ошган;

тижорат банкларининг талаб қилиб олинadиган депозитлари барқарор қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирган ҳолда брутто депозитлар ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғини пасайтириш орқали банкларнинг ликвидлилик даражасини ошириш таклифи «Қишлоққурилишбанк» АТ банки амалиётига жорий этилган («Қишлоққурилишбанк» АТ банкининг 2019 йил 2 октябрдаги 04/27-45-8929-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Қишлоққурилишбанк» АТ банкида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан устав капиталининг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғи 8,4 фоизли пунктга ошган ҳолда даромад келтирмайдиган пул шаклидаги активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 0,1 фоизли пунктга камайган;

тижорат банклари трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини камайтириш ва соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш йўли билан уларнинг жорий ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш таклифи «Туронбанк» АТ банки амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТ банкининг 2019 йил 30 октябрдаги 16/02-286-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан соф фоизли маржа кўрсаткичи 1,5 фоизли пунктга ошган, трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 2,8 фоизли пунктга камайган;

тижорат банклари кассаларига нақд пул тушишини рағбатлантириш, банкнинг миллий валютадаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг барқарорлигини таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш йўли билан лаҳзали ликвидлилик коэффициентининг 0,20 дан паст бўлмаган даражасини таъминлаш таклифи «Туронбанк» АТ банки амалиётига жорий этилган («Туронбанк» АТ банкининг 2019 йил 30 октябрдаги 16/02-286-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Туронбанк» АТ банкида 2018 йилда лаҳзали ликвидлилик коэффициентининг 0,20 дан паст бўлмаган даражаси таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та республика ва 4 та (1 таси хорижий) халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, 8 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискени бошқаришнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** деб номланган биринчи бобида тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискени бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашлар тадқиқ қилинган ҳамда илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Иқтисодчи олимларнинг тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискени бошқариш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди:


тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискени икки ҳолатда, яъни банкнинг вакиллик ҳисобрақамларида ортиқча пул маблағларининг тўпланиб қолиши ёки етмай қолишида намоён бўлади;

банк активлар ва пасивларининг сифати, активлар ва пасивларнинг муддатлари ва суммалари бўйича номувофиқлик даражаси, бошқарув қарорларининг даражаси ва сифати, банкнинг имижини, мамлакатдаги сиёсий вазият, қимматли қоғозлар бозори ва банклараро кредит бозорининг ривожланганлиги, пул-кредит индикаторларининг ҳолати тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискининг омиллари ҳисобланади;

тўловлар оқими ўртасидаги фарқни таҳлил қилиш усулининг камчилиги шундаки, олинган таҳлил натижаси статик бўлиб, тўловлар оқимининг динамикаси, мавсумийлиги ва интенсивлигини ҳисобга олмайди, шу сабабли, олинган ҳисобот ёрдамида банкнинг ликвидли активларга бўлган реал эҳтиёжини мақбул даражада баҳолаш мумкин эмас;

ликвидлилик рискени назорат қилиш ликвидли позицияни холис ҳисоб-китоб қилиш, ҳар куни амалга ошириладиган таркибий балансли муносабатларни тасдиқланган методика ва жараёнлар асосида ҳисоб-китоб қилиш, олинган маълумотларни белгиланган лимитлар билан ва рискни қоплаш учун мўлжалланган капиталнинг етарлилик даражаси билан солиштиришни ўз ичига олади⁵.

⁵ Лаврушин О.И. Банковский менеджмент. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 154.; Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 216.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 447.; Lucas A. A theory of multinational banking. // Banca Nazionale del Lavoro Quarterly Review. – 1977. – № 30. – Р. 349.; Бобакулов Т.И. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари. // Ўзбекистон Республикасида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда банк тизимининг роли. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. 155 – б.; Йўлдошев О.А. Ўзбекистон Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. 15 – б.



1-расм. Тижорат банкларининг ликвидлик рискига таъсир қилувчи асосий ташқи ва ички омиллар⁶

1-расм маълумотларига кўра, тижорат банкларининг ликвидлик рискига урта ташқи омил ва бешта ички омил асосий таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

Ҳар бир омилнинг таъсир даражасига тўғри баҳо бериш улар салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган қарорларни тўғри ва тезкорлик билан қабул қилиш имконини беради.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда юқори ликвидли қимматли қоғозлар, шу жумладан, Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мамлакатларда Ҳукуматни қимматли қоғозларнинг йирик эмитенти эканлиги тижорат банкларига мазкур қимматли қоғозларни сотиб олган ҳолда ликвидликни таъминлаш имконини беради.

1-жадвал

Парибас банк (Франция) активлари таркиби⁷, фоизда

Активлар таркиби	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Нақд пуллар ва «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пуллар	5,7	6,7	7,7	9,1	9,1
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	52,1	47,2	46,9	44,6	44,7
Берилган кредитлар	33,7	36,4	36,6	38,7	38,4
Ҳисобланган фоизлар	6,1	5,9	6,4	5,0	5,4
Асосий воситалар ва номоддий активлар	1,4	1,7	1,7	1,9	1,8
Бошқа активлар	1,0	2,1	0,7	0,7	0,6
Активлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0


⁶ Муаллиф ишланмаси.

⁷ Жадвал муаллиф томонидан Annual Reports. www.paribas.com сайти маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларига кўра, Парибас банк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 83,1 фоизни ташкил этди. Бу эса, биринчидан, Парибас банкнинг асосий фаолият йўналишларидан бирини кредитлаш эканлиги билан, иккинчидан, банкнинг қимматли қоғозлар ёрдамида амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожланганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Парибас банк активларининг умумий ҳажмида нақд пул маблағлари ва унинг «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағлари нисбатан кичик салмоқни эгаллаган. Бу эса, ушбу активларни даромад келтирмайдиган активлар эканлиги билан изоҳланади. Асосий воситалар ҳам даромад келтирмайдиган активлар бўлганлиги сабабли уларнинг Парибас банк активлари ҳажмидаги салмоғи кичик.

Шуниси аҳамиятлики, тараққий этган мамлакатларда Ҳукумат қимматли қоғозларнинг йирик эмитенти бўлганлиги сабабли тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлашда мазкур қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар муҳим ўрин тутди. Чунки, тижорат банклари юқори ликвидли активлари таркибда Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар юқори салмоқни эгаллайди.



2-расм. Парибас банк (Франция) ва Бэнк оф Америка (АҚШ) активларининг умумий ҳажмида юқори ликвидли активлар салмоғи⁸, фоизда


2-расм маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда Парибас банкда юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг 19 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган. Бу эса, нисбатан юқори салмоқ ҳисобланади. Шунингдек, таҳлил қилинаётган йилларда Бэнк оф Америка банки томонидан юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражалари таъминланган.

⁸ Расм муаллиф томонидан www.bnpparibas.com (Парибас банк) ва www.bankofamerica.com (Бэнк оф Америка) сайтлари маълумотлари асосида тузилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқаришнинг замонавий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида мамлакат тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискиннинг амалдаги ҳолатига баҳо берилган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган⁹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 13 июндаги 2693-сонли «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги йўриқномасига мувофиқ, Базель қўмитасининг тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан талабларни ошириш хусусидаги тавсиясини банк амалиётига жорий этиш мақсадида регулятив капитал ва биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан талаблар босқичма-босқич оширилди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан пруденциал меъёрлар ўзгариши¹⁰

3-расм маълумотларига кўра, республика тижорат банкларининг регулятив капитали ва биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан Марказий банк томонидан пруденциал меъёрлар 2015 йил 1 сентябрдан 2019 йил 1 январга қадар бўлган даврда босқичма-босқич оширилди. Мазкур жараёнда

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. www.lex.uz.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2015 йил 13 июнь № 14/3. // Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - № 27 (683). 17-29 – Б.

Базель кўмитасининг биринчи даражали капитали регулятив капиталнинг 75 фоиздан кам бўлмаслиги керак, деган талаби инобатга олинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2016 йил 1 январдан бошлаб, тижорат банкларига нисбатан ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффицентининг жорий этилганлиги уларнинг ликвидлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Регулятив капитал етарлилигининг таъминланиши банк фаолиятидаги рисклар натижасида юзага келувчи молиявий йўқотишларни қоплаш имконини беради. Натижада тижорат банкида ликвидлик муаммоси чуқурлашишининг олди олинади. Бунда Базель кўмитасининг банк назоратига оид янги талаблари республикамиз банк амалиётига жорий этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2014-2018 йилларда республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур давр мобайнида тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси Базель стандарти талабларидан қарийб 3 баробар юқори бўлган. Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади.

2-жадвал


Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар¹¹

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017й.	2018 й.
Банклар регулятив капитали миқдори, трлн. сўм	6,9	7,8	9,4	23,7	26,7
Тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси, %	23,8	23,6	23,8	21,6	15,6

Бироқ 2018 йилда республикамиз тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, мазкур даврда регулятив капитал ўсиш суръатининг активларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади. 2018 йилда 2017 йилга нисбатан республика тижорат банклари регулятив капиталининг ўсиш суръати 12,4 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда тижорат банклари активларининг ўсиш суръати 28,7 фоизни ташкил этди.

4-расм маълумотларига кўра, АТ «Асакабанк»да жорий ликвидлик коэффиценти даражаси 2014-2016 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, 2016-2018 йилларда ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу пасайиш таҳлил қилинган давр мобайнида талаб қилиб олинган депозитлар миқдорининг ўсиш суръатини ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.


¹¹ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайти маълумотлари асосида тузилган.



4-расм. АТ «Асакабанк» ва АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлик коэффициенти даражаси¹²

Шунингдек, 2014-2017 йилларда АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлик коэффициенти даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бироқ 2018 йилда АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлик коэффициенти даражаси 2017 йилга нисбатан пасайган.



5-расм. АТ «Асакабанк» ва АТ «Туронбанк»да регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти даражаси¹³

5-расм маълумотларига кўра, АТ «Асакабанк»да регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти 2015 йилда 2014 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бундан тағқари, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 2016 йилга нисбатан

¹² Расм муаллиф томонидан АТ «Асакабанк» ва АТ «Туронбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

¹³ Расм муаллиф томонидан АТ «Асакабанк» ва АТ «Туронбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

сезиларсиз даражада ошган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу даврда АТ «Туронбанк»да регулятив капиталнинг етарлилик коэффицентининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Аммо мазкур кўрсаткич 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган. Мазкур пасайиш 2017-2018 йилларда АТ «Туронбанк»да активларнинг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

3-жадвал

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»да активлар ва мажбуриятларнинг муддатига кўра таркиби¹⁴

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган активлар, трлн. сўм	3,2	4,1	4,9	7,5	13,2
Бир йилдан ортиқ муддатга эга бўлган мажбуриятлар, трлн. сўм	4,0	4,8	5,6	6,7	16,9

3-жадвал маълумотларига кўра, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасида жиддий номутаносиблик мавжуд. Бу эса, унинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади.




6-расм. АТ «Асакабанк»да брутто активлар ва рискка тортилган активларнинг ўсиш суръатлари¹⁵, фоизда

6-расм маълумотларига кўра, АТ «Асакабанк»да 2013 ва 2016 йилларда рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса, АТ «Асакабанк»нинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, 2018 йилда АТ «Асакабанк»да рискка тортилган активлар суммаси 2017 йилга нисбатан камайган. Бу эса, банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

¹⁴ Жадвал муаллиф томонидан АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

¹⁵ Расм муаллиф томонидан www.asakabank.uz (АТ «Асакабанк») сайти маълумотлари асосида тузилган.



7-расм. АТ «Асакабанк»да ликвидликни қоплаш меъёри коэффициентлари ва соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициентлари, фоизда¹⁶

Маълумотлар таҳлили кўрсатадики, 2016 йил ва 2018 йилда АТ «Асакабанк» соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрий талабни бажара олмаган (7-расм). Бу эса, мазкур даврда АТ «Асакабанк»да узоқ муддатли мажбуриятларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан сезиларли даражада кам эканлиги билан изоҳланади.

4-жадвал

АТ «Қишлоқ қурилиш банк» активлари таркиби¹⁷, фоизда

Активлар таркиби	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Пул маблағлари ва улар эквиваленти	12,2	10,0	9,6	7,2
Қимматли қоғозлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Кредитлар	85,4	87,5	87,6	90,7
Асосий воситалар	1,5	1,6	1,5	1,3
Бошқа активлар	0,9	0,5	1,3	0,8
Активлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0

4-жадвал маълумотларига кўра, 2015-2018 йилларда АТ «Қишлоқ қурилиш банк» активларининг умумий ҳажмида кредитлар жуда юқори салмоқни эгаллагани ҳолда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар мавжуд эмас. Бу эса, банкнинг ликвидлик рискинни бошқариш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Маълумотларни таҳлил қилишдан аввал ўзгарувчилар ўртасида мультиколлинearлик муаммоси мавжуд эмаслиги текшириб кўрилди. Мазкур жараён VIF (Variance Inflation Factors) тести орқали амалга оширилди ва қуйидаги натижалар олинди.

Натижаларнинг кўрсатишича, маълумотларда мултиколлинearлик муаммоси мавжуд эмас.

¹⁶ Расм муаллиф томонидан www.asakabank.uz (АТ «Асакабанк») сайти маълумотлари асосида тузилган.

¹⁷ Жадвал муаллиф томонидан www.qishloqqurilishbank.uz (АТ «Қишлоқ қурилиш банк») маълумотлари асосида тузилган.

VIF тести натижалари

Энг кичик эҳтимолий қиймат = 1.0	
Қиймат > 10.0 бўлиши коллинеарлик муаммоси мавжудлигидан далолат беради	
Ўзгарувчилар	VIF қиймати
X1	10.00
X2	7.94
X3	2.17

Маълумотлар вақт қаторлари (time series) кўринишида бўлганлиги учун биринчи навбатда қайси модель ушбу ўзгарувчилар табиатига энг мос бўлишини аниқлаб олиш зарур бўлди. Шу туфайли ҳар бир ўзгарувчи стационар ёки стационар эмаслигини аниқлаш учун Аугментед Диккей Фулер (Augmented Dickey-Fuller test statistic) тести ўтказилди.

Аугментед Диккей Фулер тести натижасида қайси моделдан фойдаланиш лозимлиги аниқланди, яъни даражада барча ўзгарувчилар ҳам стационар бўлмаганлиги туфайли оддий узоқ муддатли боғлиқликни ифода этувчи регрессияни ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Барча ўзгарувчилар биринчи фарқда стационарлиги туфайли биз ўзгарувчилар ўртасида коинтеграция мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширишимиз лозим бўлади. Коинтеграцияни амалга оширишдан аввал қоидага кўра, энг оптимал лагларни топиш керак. Шу туфайли, Вектор авторегрессия (Vector Autoregression Estimates) тестини ўтказишга қарор қилдик. Бунда асосий мезон сифатида Акаике (Akaike AIC) мезони олинди.

6-жадвал

Акаике (Akaike AIC) критерийси

Лаглар	Умумлаштирилган Акаике ахборот мезони
1 йил	8.948329
2 йил	5.763218

Натижада, АIC га кўра энг яхши лаглар варианты бу 2 йиллик лаг эканлиги аниқланди. Яъни, ўз моделимизда мустақил ўзгарувчиларнинг тобе ўзгарувчига 2 йиллик фарқ билан таъсир этиш даражасини баҳолашимиз керак бўлади.

VAR тизимида ҳар бир ўзгарувчининг бир-бири билан икки йиллик ва бир йиллик фарқ билан регрессия комбинацияларини ўтказиш натижасида статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги юқори бўлган ўзгарувчиларгина моделда таҳлилни давом эттириш учун қолдирилди.

Ҳар бир ўзгарувчи қуйида келтирилган моделлар кўринишида бирма-бир тобе ўзгарувчи сифатида кўриб чиқилди:

$$Y = C(1)*Y(-1) + C(2)*Y(-2) + C(3)*X1(-1) + C(4)*X1(-2) + C(5)*X2(-1) + C(6)*X2(-2) + C(7)$$

$$X1 = C(8)*Y(-1) + C(9)*Y(-2) + C(10)*X1(-1) + C(11)*X1(-2) + C(12)*X2(-1) + C(13)*X2(-2) + C(14)$$

$$X2 = C(15)*Y(-1) + C(16)*Y(-2) + C(17)*X1(-1) + C(18)*X1(-2) + C(19)*X2(-1) + C(20)*X2(-2) + C(21)$$

Натижада аҳамиятсиз бўлган барча омиллар–миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати моделдан чиқариб ташланди ва қуйидаги натижаларга эришилди (7-жадвал).

7-жадвал

Вакиллик ҳисобрақами қолдиғи ўзгаришининг яқуний модели

Тобе ўзгарувчи: Вакиллик ҳисобрақамлари улуши (Y)				
Танланма (мослаштирилган): 2009-2017				
Киририлган кузатувлар: мослаштиришдан сўнг 8 та				
Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	P-қиймат
Константа	51.14441	11.71145	4.367043	0.0120**
Y(-2)	0.910775	0.297942	3.056885	0.0378**
X1	-8.696868	3.971071	-2.190056	0.0737*
X2	0.788969	1.464713	0.538651	0.0187**
R-квадрат		0.726072		
Мослаштирилган R-квадрат		0.520626		
Акайке ахборот мезони		5.423414		
Шварц мезони		5.463135		
Ханнан-Куин мезони		5.155513		
Логарифмик эҳтимоллик		-17.69366		
F-статистика		3.534125		
P-қиймат (F-статистика)		0.0927102*		
Дарбин-Уотсон статистикаси		1.738352		

Яқуний базавий модель қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$Y = 51.14 - 8.69 * X1 + 0.78 * X2 + 0.91 * Y(-2)$$

Эконометрик таҳлил натижалари кўрсатдики, инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг брутто активлар ҳажмидаги улуши 8,6 фоизга камайишига олиб келиши, хорижий валюталардаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларини 1 фоизга ошиши эса, вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг жами активлар ҳажмидаги улуши 0,78 фоизга ошириши аниқланди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш йўллари» деб номланган учинчи бобида тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг мазкур бобида тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб муаммолар аниқланди:

республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида 2016-2018 йилларда жорий ликвидлилик коэффицентининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги;

тижорат банкларида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг банкларнинг брутто депозитлари ҳажмидаги салмоғи юқори эканлиги;

тижорат банкларида регулятив капиталнинг етарлилик коэффициентини 2015-2018 йилларда пасайганлиги;

республикада тижорат банкларида девальвация захираси биринчи даражали капитал таркибига киритилганлиги ва унинг банклар капиталининг барқарорлик даражасига салбий таъсир кўрсатаётганлиги;

мамлакат тижорат банкларида активлар ва мажбуриятлар ўртасида кучли номутаносиблик мавжудлиги;

айрим банклар томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри бўйича Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал талабни бажарилмаётганлиги;

республикада тижорат банкларида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини 2015-2018 йилларда пасайиш тенденциясига бўлганлиги;

банкларнинг юқори ликвидли активлари етишмаслиги;

тижорат банкларида трансформация риси чуқурлашиб кетганлиги;

тижорат банклари томонидан давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта эканлиги;

банкларга мижозларнинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағларидан, уларнинг розилигисиз фойдаланиш ҳуқуқининг берилганлиги.

Мазкур бобда мамлакат тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рисини бошқариш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Тижорат банклари фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал этиш учун муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси, ушбу кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари бўйича меъерий талабларга эришишни таъминлаш, тижорат банкларининг жорий ликвидлиги бўйича меъерий талабни бажариш ва активлар рентабеллигининг мўътадил даражасига эришган ҳолда активлар ва жалб қилинган маблағларнинг муддатлари ва суммалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш.

2. Тижорат банкларининг талаб қилиб олинган депозитларининг барқарор қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга йўналтирган ҳолда брутто депозитлар ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғини пасайтириш йўли билан банкларнинг ликвидлилик даражасини ошириш.

3. Тижорат банклари трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини камайитириш ва соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъерий даражасини таъминлаш йўли билан уларнинг жорий ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш.

4. Тижорат банклари кассаларига нақд пул тушишини рағбатлантириш, банкнинг миллий валютадаги «Ностро» вакиллик ҳисобрақами қолдиғининг барқарорлигини таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш йўли билан лаҳзали ликвидлилик коэффициентининг 0,20 дан паст бўлмаган даражасини таъминлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг тижорат банклари ликвидлигини таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида

Марказий банк томонидан тижорат банкларига бирламчи ва иккиламчи кредитлардан иборат дисконт кредитлари бериш амалиётини йўлга қўйиш тавсияси.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискинни бошқаришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рисқи икки ҳолатда, яъни банкнинг вакиллик ҳисобрақамларида ортиқча пул маблағларининг тўпланиб қолиши ва унинг вакиллик ҳисобрақамларида пул маблағларининг етмай қолишида намоён бўлади;

тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискиннинг омиллари бўлиб, банк активлари ва пасивларининг сифати, активлар ва пасивларнинг муддатлари ва суммалари бўйича номувофиқлик даражаси, бошқарув қарорлари даражаси ва сифати, банкнинг имижи, мамлакатдаги бизнеснинг ҳукуматга ва жамиятга ишончини белгиловчи сиёсий вазият, қимматли қоғозлар бозори ва банклараро кредит бозорининг ривожланганлиги, пул-кредит индикаторлари ҳолати;

тўловлар оқими ўртасидаги фарқни таҳлил қилиш усулининг камчилиги шундаки, олинган таҳлил натижаси статик бўлиб, тўловлар оқими динамикаси, мавсумийлиги ва интенсивлигини ҳисобга олмайди, шу сабабли, олинган ҳисобот ёрдамида банкнинг ликвидли активларга бўлган реал эҳтиёжини мақбул даражада баҳолаш мумкин эмас;

ликвидлилик рискинни назорат қилиш ликвидли позицияни холис ҳисоб-китоб қилиш, ҳар куни амалга ошириладиган таркибий балансли муносабатларни тасдиқланган методика ва жараёнлар асосида ҳисоб-китоб қилиш, олинган маълумотларни белгиланган лимитлар билан ва рисқни қоплаш учун мўлжалланган капиталнинг етарлилик даражаси билан қиёслаш ўз ичига олади.

2. Тижорат банклари ликвидлилик рискинни бошқариш борасидаги илғор хориж тажрибаси кўрсатдики:

Парибас банк активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллаши, биринчидан, Парибас банкнинг асосий фаолият йўналишларидан бирини кредитлаш эканлиги билан, иккинчидан, банкнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланганлиги билан изоҳланади;

2014-2018 йилларда Парибас банк активларининг умумий ҳажмида нақд пул маблағлари ва унинг «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларидаги пул маблағларини нисбатан кичик салмоқни эгаллаганлиги ушбу активларни даромад келтирмайдиган активлар эканлиги билан изоҳланади;

2014-2018 йилларда Бэнк оф Америка банки томонидан юқори ликвидли активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражалари таъминланган.

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ликвидлилик рискинни бошқариш амалиётининг таҳлил натижалари кўрсатдики:

2014-2018 йилларда республикада тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги ва мазкур давр мобайнида тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси минимал меъёрий талабларидан юқори бўлганлиги тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланади;

2018 йилда республикада тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилик даражаси 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги банкларнинг ликвидлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат сифатида баҳоланади;

2016-2018 йилларда АТ «Асакабанк»да жорий ликвидлилик коэффицентининг пасайиш тенденцияси кузатилганлиги таҳлил қилинган давр мобайнида талаб қилиб олинган депозитлар миқдорининг ўсиш суръати ликвидли активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади;

2014-2017 йилларда АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлилик коэффиценти даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилганлиги банкнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ 2018 йилда АТ «Туронбанк»да жорий ликвидлилик коэффиценти даражаси 2017 йилга нисбатан пасайган;

инфляция даражасининг 1 фоизга ошиши вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг брутто активлар ҳажмидаги улушини 8,6 фоизга камайишига олиб келиши, хорижий валюталардаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларининг 1 фоизга ошиши эса вакиллик ҳисобрақамларидаги маблағларнинг жами активлар ҳажмидаги улушини 0,78 фоизга ошириши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

ГАДОЕВ СУХРОБ ЖУМАКУЛОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ РИСКОМ ЛИКВИДНОСТИ В
КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ**

08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Тошкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Iqt476.

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каримов Норбой Ганиевич**
доктор экономических наук, профессор

Саттаров Одил Бердимуратович
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01 при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, г. Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрировано за №___). Адрес: 100003, г. Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.

(протокол реестра №___ от «___» _____ 2020 года).



Н.Х. Жумаев
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

У.В. Гафуров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.э.н., профессор

С.К. Худойкулов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Достаточный уровень ликвидности коммерческих банков позволяет обеспечить бесперебойность платежей, проходящих через коммерческие банки. В свою очередь, обеспечение ликвидности коммерческих банков обуславливает необходимость совершенствования практики управления риском ликвидности банков. Поэтому, в странах мира путем обеспечения текущей ликвидности коммерческих банков предотвращается углубления риска ликвидности. «По итогам 2018 года при нормативном уровне коэффициента текущей ликвидности 0,30, фактический уровень текущей ликвидности составил: в Bank of America (США) – 44,8 %, в BNP Paribas (Франция) – 37,7 %. По состоянию на 31 декабря 2018 года, Сбербанку России удалось выполнить нормативные требования по достаточности капитала первого уровня (10,0 %) и по текущей ликвидности (30,0 %)»¹. Постоянное выполнение нормативных требований по текущей ликвидности и достаточность капитала первого уровня не позволяет углубить проблему несбалансированной ликвидности в деятельности коммерческих банков.

В настоящее время, в мировом масштабе проводятся фундаментальные исследования в таких направлениях совершенствования управления риском ликвидности, как, обеспечение сбалансированности между доходами по активам и расходами по пассивам, совершенствование стресс-тестирования ликвидности, повышения качества управления кредитным и инвестиционным портфелем, обеспечение нормативных уровней показателей чистого процентного спреда и чистой процентной маржи, достижение достаточности депозитной базы банков, недопущение возникновения проблемы несбалансированной ликвидности.

В Узбекистане вопрос совершенствования практики управления риском ликвидности в деятельности коммерческих банков имеет важное место. Так, наличие риска трансформации в коммерческих банках отрицательно влияет на их ликвидность; не внедрена в банковской практике республики требования Базельского комитета по установлению соотношений между капиталом и долговым обязательствам; из-за большого объема просроченных кредитов в крупных банках обостряется проблема ликвидности. Поставление задач по «повышению уровня капитализации и депозитной базы, укрепление их финансовой устойчивости и надежности»² в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан свидетельствует об актуальности вопроса обеспечения ликвидности банков страны.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

